2006 ЙИЛ, 9 ЯНВАРЬ, ДУШАНБА

Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 5 (10.562) Баҳоси эркин нархда

XXI АСР САДОСИ

БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг йиғилишида солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг Андижон вилоятидаги ижроси натижалари кўриб чиқилди.

● Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармонига биноан ўтган йили Жиззах вилоятида 60 та мактаб биноси қайта реконструкция қилинди.

● Мудофаа, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари, республика Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Соғлом авлод учун» халқаро ноҳукумат хайрия жамғармаси ҳамкорлигида Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юртида ўтказилган тадбир «Ватан она қалбидан бошланади» деб номланди.

● «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» темир йўли қурилиши жадал давом этмоқда. Ушбу йўлнинг учинчи босқичида 104 километрлик масофага пўлат из ётқизилди. Тоғ дарёлари устида кўприк қуриш, аҳоли яшаш жойларида бекатлар барпо этиш, электр энергияси, табиий газ ўтказиш ишлари ҳам мажмуавий тарзда бажариляпти.

● Мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида бўлгани каби Хоразм вилоятида ҳам баҳорги экиш мавсумига ҳозирданоқ пухта тайёргарлик бошлаб юборилди. Хусусан, мавжуд машина-механизмлар кўздан кечирилиб, таъмирталаблари ишга шай ҳолга келтирилмоқда.

● Мамлакатимиз билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида имзоланган ўзаро манфаатли шартномага кўра Фарғона шаҳрида «Хуавей» компаниясининг янги замонавий алоқа станцияси фойдаланишга топширилди. Энди вилоятнинг ярмидан кўп туманларидаги телефонлар 52600 сиғимга эга бўлган рақамли станцияларга алмаштирилади.

● Фарғона вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси ташаббуси билан Марғилон шаҳридаги касб-ҳунар коллежларида «Интернет клуб»лар ташкил этилди. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида ташкил этилган «Интернет клуб»ларда коллежлар ёшларидан ташқари маҳалла йигит-қизлари ҳам компьютер сабоқларини олиши мумкин.

● Тошкент вилояти, Қибрай туманининг «Байтқўрғон» ширкат хўжалиги ҳудудида 10 минг аҳолига хизмат кўрсатадиган янги қишлоқ врачлик пункти иш бошлади. Ушбу шифо маскани қурилишига 100 миллион сўм маблағ сарфланган бўлиб, ўндан ортиқ замонавий жиҳозланган тиббий хоналарда терапевт, педиатр, акушер-гинеколог каби мутахассислар хизмат кўрсатмоқда.

ЖАҲОНДА

● Иерусалимдаги «Адаса Эйн-Керем» шифохонасида даволанаётган Исроил Бош вазири Ариэль Шароннинг мияси уч бор операция қилинган бўлса-да ҳамон унинг аҳволи оғирлигича қолмоқда. Мамлакат Бош вазири ўринбосари Эхуд Ольмерт 4 январдан бошлаб юз кунга ҳукуматга раҳбарлик қилиш ваколатини бажаришга киришди.

● Латвия Сейми кўпчилик овоз билан мамлакат мудофаа вазири лавозимига «Янги давр» ўнг партияси вакиласи 35 ёшли Линда Мурниецени тасдиқлади. У Латвияда айни пайтда энг юқори лавозимларни эгаллаб турган аёллардан Президент Вайра Вике-Фрейберг ва Сейм спикери Ингрида Удредан кейин учинчиси бўлди.

● Кеча Саудия Арабистонининг Макка шаҳрида муқаддас Ҳаж зиёрати амаллари бошланди.

● Япония БМТ Котибиятига Бразилия, Германия ва Ҳиндистон томонидан юборилган Хавфсизлик Кенгаши доимий таркибини кенгайтириш талаб этилаётган қўшма резолюцияни қўллаб-қувватлашдан воз кечди.

● Гондурасдаги қамоқхоналарнинг бирида юзага келган тартибсизликлар натижасида камида 13 киши ҳаётдан кўз юмди.

● Тинч океани томонидан келган кучли тўфон Австралиянинг Шарқий соҳилларига хуруж қилди. Табиий офат оқибатида мамлакатнинг Квинсвет ва Янги Жанубий Уэльс штатларида 50 мингга яқин хонадон электр таъминотидан маҳрум бўлди.

● Япония ҳарбийларининг Ироқни муддатидан аввал тарк этиши кутилмоқда. Расмий Токио, Вашингтон ўртасида олиб борилган музокаралардан сўнг шундай қарорга келинди.

● Германиянинг Бад-Райхенхалле шаҳрида жойлашган муз спорти мажмуаси вайроналаридан охирги ҳалок бўлган киши — кекса аёлнинг жасади топилди. Шу тариқа фалокат натижасида қурбон бўлганлар сони 15 кишига етди. Уларнинг олти нафарини болалар ташкил этади.

ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

Қисқа сатрларда

● **БУГУН** Бектемир туман марказлашган кутубхоналар тизимининг 1-кутубхонасида ўтказилган давра суҳбати "Миллий истиқлол ғояси ва мафкураси" деб номланди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Республикаси Қуролли Кучлари академиясида Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан тактик ўқув машғулотлари ўтказилди.

● **ЎЗБЕКИСТОН** Давлат консерваториясида Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Халқ таълими вазирлиги ҳамкорликларида иқтидорли қизлар ўртасида "Зулфияхоним қизлари" кўрик-танловининг республика босқичи ўтказилди.

● **БУГУН** Миробод енгил саноат касб-ҳунар коллежида Ватан ҳимоячилари куни муносабати билан "Мардлар қўриқлайди Ватанни" мавзуида ўтказилган беллашув "Маънавият ва маърифат" марказининг Миробод туман бўлими томонидан уюштирилди.

● **ЎТГАН** куни Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида ўқувчиларнинг қишки таътили муносабати билан Чилонзор туман ҳокимлиги, туман маданият ва спорт ишлари бўлими, "Маънавият ва маърифат" марказининг туман бўлими ҳамкорликларида ўтказилган болалар иштирокидаги спорт сайли "Зумрад қиш қувончлари" деб номланди.

● **БУГУН** Фирдавсий маҳалласида Юнусобод туман хотин-қизлар қўмитаси, "Маънавият ва маърифат" марказининг туман бўлими ҳамкорликларида "Анъаналар — халқ ҳаётининг тимсоли" мавзуида ўтказилган давра суҳбатида маҳалла фаоллари, ёшлари иштирок этишди.

● **БУГУН** Яккасарой туманидаги "Қушбеги" маҳалласида Усмон Носир, "Бошлиқ", Юнус Ражабий маҳаллаларининг ижтимоий ёрдамга муҳтож болалари иштирокида "Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши ҳамкорлигида "Кўчма арча" лойиҳаси доирасида тантаналар ўтказилди.

● **БУГУН** Учтепа туманидаги "Тақачи", Саккокий, "Ўриқзор", "Кўксарой" маҳаллаларида "Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши томонидан уюштирилган арча байрами тантаналарида болажонларга совғалар туҳфа этилди.

● **БУГУН** Мирзо Улуғбек туманидаги "Тракторсозлар", Мирзакалон Исмоилий маҳаллаларида яшовчи болажонлар иштирокида "Камолот" ЁИҲ туман Кенгаши ташаббуси билан "Кўчма арча" лойиҳаси доирасида байрам тадбири ўтказилди.

● **"ЧЎЛПОН"** нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджоннинг "Ўғирланган Паҳлавон" асари нашрга тайёрланди.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Матбуот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

Қуролли Кучларимиз сафларида тинчлигимиз, сарҳадларимиз дахлсизлиги, муқаддас заминимиз осойишталигини қўриқлаётган мард, ватанпарвар йигитларимиз мунис оналарнинг ишонган тоғи, фахру ғуруридир.

Камолиддин Тўраев олган суратлар.

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 14 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ФАРМОНИГА КЎРА ДАВЛАТ ЧЕГАРАЛАРИНИ ҚЎРИҚЛАШДА КЎРСАТГАН МАТОНАТИ УЧУН ПОСТ БОШЛИҒИ, КАТТА ЛЕЙТЕНАНТ АЛИХОН АББОСХЎЖАЕВ "ЖАСОРАТ" МЕДАЛИ БИЛАН ТАҚДИРЛАНДИ. ЎЗБЕГИМНИНГ БУ МАРД ЎҒЛОНИ ҲАҚИДА, УНИНГ МАТОНАТИ, ЖАСОРАТИ ХУСУСИДА ҚУЙИДАГИ ЛАВҲАНИНГ ЎЗИДАН АНГЛАБ ОЛАСИЗ.

ЎЗБЕГИМ ФИДОЙИ ЎҒЛОНИ

Пост бошлиғи, катта лейтенант Алихон Аббосхўжаевнинг буйруғига кўра посбонлар иккита асосий гуруҳга бўлинишди. Воқеа содир бўлган жой координатларини командир яхши билади. Нафақат командир сифатида, балки оддий бир чегарачи сифатида ҳам қўриқлаши лозим бўлган Ватан сарҳадларининг ҳар бир қаричини билади. Қаерида ботқоқлик, қаерида сувлик, қаерида қамишзор борлигини ипидан игнасигача ўрганган. Негаки, она замини, киндик қони тўкилган тупроқда. У учун ботқоқлиги ҳам, қамишзори ҳам азиз, муқаддас.

Дастлабки қидирув ишларида қўлидан яраланган чегара бузувчи қўлга олинган бўлса, кейингисида шериги ҳам "қопқон"га тушди. Тажрибали командир етакчилигида маҳорат билан ҳаракатланган аскарларимиз ҳеч қандай талафот кўришмади.

Истиқлол кашф этган, қалби Ватан туйғусидан нафас олаётган ҳарбийларимизнинг авлоди ана шундай бўлади. Нопок қадамини юрт сарҳадига қўймоқчи бўлганларга муносиб зарба беради. Ватанини, унинг бир қарич ерини ҳам бировларга бериб қўймайди.

Алихон оилада кенжа фарзанд бўлиб, Тошкент шаҳридаги чегарачилар тайёрлаш билим юртини тугаллаган.

Катта лейтенант А.Аббосхўжаевга Конституциямиз байрами арафасида Ватаннинг юксак мукофоти тантанали равишда топширилди. Бундайин юксак эътибордан руҳланган чегарачи ўғлон ҳаяжонини шундай изҳор қилди:

— Ватаннинг юксак мукофотини олиш, эзгу тилак, истакларни эшитиш ҳаётимдаги энг унутилмас кун бўлиб қолади. Давлатимиз, Президентимизнинг биз Ватан ҳимоячиларига кўрсатаётган эътибори, ғамхўрликларидан миннатдормиз. Шахсан мен ҳарбийликни ўзимга касб, тақдир деб биламан. Бундан чексиз фахрланаман. Ватаннинг юксак мукофоти мени ва жамоамни янада сергакликда, жанговар шайликда сарҳадларимизни қўриқлашга, Қуролли Кучларимизнинг янада шаклланувини йўлида фидокорона хизмат қилишга руҳлантиради.

Алижон САФАРОВ, майор

2006 — Ҳомийлар ва шифокорлар йили

ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ МУҲОКАМАСИ

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ 13 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ МАЪРУЗАСИДА «КИРИБ КЕЛАЁТГАН ЙИЛНИ ҲОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛАР ЭКАНМИЗ, БИЗ БИРИНЧИ ГАЛДА ҲОМИЙЛИК ҲАРАКАТИ, ҲОМИЙЛАРНИНГ МАВҚЕИ ВА МАҚОМИНИ КУЧАЙТИРИШ, БУ МАСАЛАНИНГ ҚОНУНИЙ БАЗАСИНИ ЯРАТИШНИ, БУНДАЙ БЕҒАРАЗ ВА ОЛИЖАНОБ ИНТИЛИШЛАР ЖАМИЯТИМИЗДА МУНОСИБ ЎРИН ОЛИШИ УЧУН КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИ КЎЗДА ТУТАМИЗ», ДЕЯ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАДИ.

Мазкур йўл-йўриқлар ҳамда мамлакатимиз Президентининг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Дастурини ишлаб чиқиш ва амалга оширишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишида белгилаб берилган вазифаларнинг ижросини таъминлашга доир масала Тошкентда «Ўзбекистон Республикасида ҳомийлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари» мавзуида ўтган илмий-амалий конференциянинг бош мавзуи бўлди.

Ҳомийлар ва шифокорлар йилига бағишланган ушбу тадбирни Ўзбекистон Халқ Демократик Партияси марказий кенгаши Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси билан ҳамкорликда уюштирди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, ҳуқуқшунос олимлар, давлат бошқаруви органларининг мутахассислари, экспертлар, Омбудсман ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази, шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотлар ҳамда жамоат бирлашмаларининг вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов, Ўзбекистон ХДП марказий кенгаши раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раисининг ўринбосари Л.Ғуломов ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда, жумладан, соғлиқни сақлаш, қонун ижодкорлиги, ижтимоий соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидладилар.

Тадбирда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан ишлаб чиқилган «Ҳомийлик фаолияти тўғрисида»ги қонун лойиҳасини янада бойитиш ва такомиллаштириш бўйича фикр-мулоҳаза ва таклифлар билдирилди.

Анжуманда «Ўзбекистон Республикасида ҳомийлик фаолиятининг аҳволи ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида», «Ҳомийлик — ногиронлар жамоатчилик ташкилотлари фаолиятининг асоси», «Ҳомийлик ва фуқароларнинг ижтимоий ҳимояси», «Ҳомийлик фаолияти тўғрисида»ги қонун қандай бўлиши лозим?» каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Т.БОТИРБЕКОВ, ЎзА мухбири

№ 5 (09.01.2006)

ТАДБИРКОР

МАМЛАКАТИМИЗДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНТИРИШГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛГАНЛИГИНИ ЎТГАН ЙИЛДА ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ТОМОНИДАН ЧИҚАРИЛГАН БИР ҚАТОР ФАРМОН ВА ҚАРОРЛАРДАН ҲАМ ЯҚҚОЛ БИЛСА БЎЛАДИ.

Фармон ва ижро

БАРҚАРОР ФАОЛИЯТ ЙЎЛИДА

Ушбу муҳим ҳужжатларда тадбиркорлар учун белгиланган имтиёз ва кафолатлар, ҳуқуқий ҳимоя ҳамда қўллаб-қувватлашлар юртимиз тадбиркорларини мамнун этиб, уларга қанот бағишлаётгани, фаолиятлари ривожида салмоқли аҳамият касб этаётгани, шубҳасиз. Шунингдек, 2005 йил 5 октябрдаги «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон ҳам иқтисодиётни эркинлаштириш ва тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган жадал жараённинг мантиқий давоми бўлди десак асло янглишмаймиз.

— 2005 йил ҳақиқатан ҳам тадбиркорларимиз учун ниҳоятда қутлуғ келди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи, Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи республика Кенгашининг Тошкент шаҳар ҳудудий комиссияси негизидаги жамоатчилик Кенгаши раиси Садриддин ҲАКИМОВ. — Уларнинг фаолияти равнақи, сафлари янада кенгайиши ва иқтисодиётдаги улуши ортишини таъминлаш борасида юқоридаги Фармон ва Қарорларнинг аҳамияти беқиёс. Жумладан, Президентимизнинг 2005 йил 5 октябрдаги Фармонида тадбиркорлик субъектларини текшириш тизимини тубдан ўзгартириш, хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига қатъий риоя этилиши учун назорат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлигини кучайтиришга эътибор қаратилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, давлатимиз раҳбари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида хусусий тармоқни жадал ривожлантириш, мамлакатимиз иқтисодиётидаги улушини кўпайтиришни таъминлаш устувор вазифалардан бири эканлигини белгилагани бежиз эмас. Шунингдек, 2007 йилда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини камида 45 фоизга етказиш вазифаси қўйилган. Юқоридаги Фармон эса ушбу белгиланган вазифаларни амалга оширишга хизмат қилиши аниқ.

Пойтахтимизда бугунги кунда 25 мингтадан зиёд микрофирма ва кичик корхоналар фаолият кўрсатаётган ҳамда уларнинг сафи яратилган имтиёз ва берилаётган кафолатлар боис кенгаяётган экан, эндиликда улар назорат органлари текширувларидан тўрт йиллгача халос этилади. Шунингдек, янги меъёрлар бўйича энди ташкил этиладиган кичик корхона ва микрофирмаларнинг молия-хўжалик фаолиятлари давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб икки йил мобайнида режа асосида текширилмайди. Буларнинг барчаси, шубҳасиз тадбиркорлар олдидаги тўсиқларни бартараф этиб, барқарор фаолият юритишларида катта аҳамият касб этади, ишлаб чиқаришни янада ривожлантиришларида катта ҳисса бўлиши аниқ.

Жамоатчилик Кенгашимиз таркибига Савдо-саноат палатаси, «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар бўлими, шаҳар «Маҳалла» ва «Нуроний» жамғармалари вакиллари киритилган бўлиб, асосий мақсад назорат органлари текширувлари мониторингини ўтказиш, Президентимизнинг 2005 йил 5 октябрдаги Фармони ижросини таъминлаш учун текширувлардаги ноқонуний ҳаракатларнинг олдини олиб, уларни назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгашининг Тошкент шаҳар ҳудудий комиссиясига олиб чиқиш ва муҳокама этишдир. Кенгашимиз ҳудудий комиссиялар ва назорат органлари томонидан амалга оширилаётган ишларни мониторинг қилиш, тадбиркорларнинг таклиф ва эътирозларини ўрганиш, шу жумладан назорат органлари вакилларининг билим даражасини ошириш борасида ҳам чора-тадбирлар ташкил этади. Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики жамоатчилик Кенгаши таркибига тадбиркорларнинг муаммоларини биладиган, уларни қўллаб-қувватлайдиган ва ишонадиганлар кирган.

— Жамоатчилик Кенгаши шу кунга қадар қандай ишларни амалга оширди?

— Шаҳар ҳудудий комиссияси билан биргаликда назорат органлари томонидан 2006 йилга текширувлар режа жадвалидаги текширувлар 50 фоизга камайтирилди. Асосий вазифа текширувларни камайтириш, тадбиркор фаолиятига ноқонуний аралашувларга йўл қўймаслик бўлгани учун ҳам тадбиркорлар ўртасида ана шуни ўрганиш максадида жойларда саволнома (чеклист)лар тарқатилмоқда. Бу, албатта, назорат органлари томонидан амалга оширилаётган текшириш жараёни қонунийлигини таъминлашда муҳим роль ўйнашига аминмиз. Саволномада, шунингдек, тадбиркорларга қисқа текширувлар, Фармон ҳақида маълумотлар берилиб, сўнгра саволлар ёритилган.

Кенгаш тузилгандан бошлаб ҳозирги кунгача «Тошбозортайёрловсавдо» раҳбарияти билан келишилган ҳолда пойтахтимиздаги бозорларнинг кириш ва чиқиш жойларига «Ишонч қутилари» ўрнатилди ва бу жараён давом этмоқда. Ушбу қутиларга тадбиркорлар ўз фикр-мулоҳаза, таклиф ва танқидларини ташлашлари мумкин.

Тадбиркорлик субъектлари фаолиятини текширишда қонунбузарликларга йўл қўймаслик ва давлат назоратлари текширув дастури асосида амалга ошириш, режали ва режадан ташқари текширувларда палата ходимлари ҳамда жамоатчилик Кенгаши аъзолари иштирок этишлари ҳақида жойларда бир неча бор семинар ва давра суҳбатлари ўтказилиб, уларга 4000 дан зиёд тадбиркорлик субъектлари жалб этилди.

Жамоат Кенгашининг ишонч телефонларига қўнғироқ қилган тадбиркорларга назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи Республика Кенгаши тасдиғидан ўтган режали ва режадан ташқари текширувлар ҳақида маълумотлар бериб борилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, жамоат кенгашининг фаолияти тадбиркорларнинг манфаатини ҳимоя қилишга қаратилган. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, шаҳар ва туман ҳудудий комиссиялари негизида тузилган жамоатчилик Кенгашлари энг аввало назорат органлари фаолияти юзасидан жамоатчилик назоратини янада кучайтиришга қаратилган. Бу, албатта, юқоридаги Фармон ижросини таъминлаб, тадбиркорларнинг ғайратига-ғайрат қўшиши, шубҳасиз. Шунингдек, давлатимиз томонидан тадбиркорларга билдирилаётган катта ишонч чиқарилаётган ҳужжатларда ёрқин акс этиб, уларни ривожланиш сари ундамоқда. Тадбиркорлик равнақи эса юртимиз иқтисодиёти ривожи, қўшимча иш ўринлари яратилиши, шунинг баробарида аҳоли фаровонлиги юксалишида катта аҳамият касб этади.

Сўзимнинг охирида тадбиркорларга мурожаат қилиб айтишим керакки, бизнинг сиз билан биргаликдаги ҳаракатимиз ҳар қандай ортиқча текширувлар, ноқонуний аралашувлар, фаолиятингизга тўсиқ ва ғов бўлаётган муаммоларни бартараф этишга қодир. Бу борада сиз ҳеч иккиланмай жамоатчилик Кенгашининг қуйидаги ишонч телефонларига қўнғироқ қилишингиз мумкин: 150-31-06, 150-31-05, 150-31-03.

Шарифа ИЛЁСОВА

Мулоҳаза, мунозара

КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

«ЁШЛИК ҚИЛДИМ, КЕЧИРИНГ»

Бу гапни ёшига муносиб одам айтса тузук экан. Лекин, бу сўзни ёшлик даврини ортда қолдириб, ақли-ҳуши бир жойга етган киши томонидан эшитиш ғалати туюларкан. Касбим тақозосими ёки суд курсисида ўтирган кимсаларнинг кўпчилиги оғзидан шу сўзни эшитишим боисми, шу ҳақда анчадан бери ўйланиб келаман.

Узоқ йиллардан бери туман судида судьялик қиламан. Иш жараёнида турли тоифа одамларга дуч келаман. Улар устидан қонун нуқтаи назаридан ҳукм чиқараман. Ўйламайнетмай қилғиликни қилиб қўйиб, суднинг қора курсисида ўтирган, айни қирчиллама ёшидаги жиноятчиларнинг оғзидан бу гапни эшитиш табиийки ҳар қандай одамга ёшига ярашмаган қиликдек туюлади.

Мана бир мисол: яқинда туман судида 40 ёшни қоралаган бир кишининг жиноий иши кўрилди. У оғир жиноят содир этган. Сан-манга бориб қолган қўшнисини қасддан ўлдирган. Эксперт хулосалари, гувоҳларнинг кўрсатмалари бўйича суд ўз ишини олиб борди. Жараён икки-уч кун давом этди. Ҳар гал жиноятчининг оғзидан: «Ёшлик қилдим, кечиринглар» деган тавба-тазарруни эшитавердик. Шунда суд залида ўтирган кексалардан бири ўрнидан туриб деди:

— Мен жиноятчининг тўтиқушдек «Ёшлик қилдим, кечиринглар» деган сўзига ҳайронман. Ёши қирқни қоралаган айни йигитлик даврини бошдан кечираётган оилали, уч болани тарбиялаётган одам қандай қилиб ёшлик қилган бўлсин. Бир одамнинг умрига зомин бўлган ақли тўлиқ инсоннинг бундай дейиши унинг фақат жиноятини енгиллатиш учун ўйлаб топган ўйдирмасидан ўзга гап эмас. Ундан кўра айбини тан олиб, дилдан кечирим сўрасин, айбдорман, жаҳолат устида билмай шу ишга қўл уриб қўйдим, дея астойдил тавба қилсинки, ўтирганлар унинг гапига ишонсин.

Шундай кезларда беихтиёр хаёлингга донишмандларнинг «Ақл ёшда эмас, бошда», деган ажойиб нақли келаверади. Чиндан ҳам бир ўйлаб кўринг. Жиноят содир этиб, эларо шарманда-ю шармисор бўлиб, яна бунинг устига жиноятингни юмшатиш учун «Ёшлик қилдим, кечиринглар» деб туриш қайдаю, хаёт чиғиригидан ўтиб ўз исботини топган юқоридаги доно сўзга амал қилиб ёруғ юз билан бахтли ҳаёт кечирган қайда.

Мана шу ҳақда яна бир бор мушоҳада қилиб кўрсак яхшироқ бўларди, азизлар.

Асадилла ҲИКМАТОВ

СИЗ БУНГА НИМА ДЕЙСИЗ?

Таҳририятга бир йигит хат кўтариб келди.

— Бошим қотди, шуни ўқиб йўл-йўриқ кўрсатинг, — деди.

— Яхшиси, сизни ташвишга солган нарсани ўз оғзингиздан эшита қолай, — дедим шошилиб, ажи-бужи ёзилган хатни ҳижжалаб ўқишга эриниб.

— Суюкли хотининг хиёнат қилса ёки уни шу таҳлитда қўлга туширсанг, нима қилиш керак? Яна ким билан денг, жонажон дўстинг билан?

35-40 ёшлар чамасидаги қорачадан келган бу йигитнинг саволига дафъатан жавоб беролмай қолдим. Очиғи бундай пайтда бирон жўяли маслаҳат беришга ҳам қийналасан киши. Савол қалтис. Жавоби анча мулоҳазали эди. Хайрият, муш-кулимни йигитнинг ўзи осон қилди.

—Ўша куни аёлим билан дўстимни бир алпозда кўриб аъзойи баданим музлаб кетди. Бир зум ўзимга ишонмай қолдим. Ё тавба, тушимми ёки ўнгимми? Бошимдан чақмоқ янглиғ турли фикрлар кечди. Ёмон хаёлларга бордим. Қилмишимнинг оқибатини ўйлаб нақадар оғир бўлмасин ўзимни босдим. Иккаловининг башарасига тупурдиму костюмимни елкамга ташлаб чиқиб кетдим.

— Жуда яхши қилибсиз, бундай вақтда шайтонга хайф бериб оғир бўлган яхши. Енгилтаклик бало устига балони келтиради.

— Не умидлар билан бир ёстиққа бош қўйган умр йўлдошимдан буни кутмаган эдим. Севиб-севилиб ўн йил турмуш қурдик. Ўртамизда фарзанд бўлмади. Бу орада бир неча бор шифокор кўригидан ўтдик. Айб хотинингда дейишди. Пешона экан, нима қиламиз дедим. Бола олайлик, балки шу билан овуниб кетармиз, десам хотиним кўнмади. «Ўзингники бўлмагандан кейин ўзганики болалик қилармиди» деди. Хуллас шу алпозда тақдирга тан бериб, умр кечириб келаётган эдик. Катта ҳовлида онам ва укаларим билан яшар эдим. Отамиз оламдан ўтганига анча бўлган. Беш йил ака-укалар бирга яшадик. Ўртанча укам бўйига етиб уйланадиган бўлди. Уйимиз торлик қилиб қолди. Бу ҳақда онажонимга оғиз солсам: «Тор қорнимга сиққан, кенг ҳовлимга сиғиб қоларсан» деб бошқа уй олиб чиқиб кетишимга унамади.

Уйимизга келин келгандан кейин овсинлар бири-бири билан чиқиша олмади. Кун ора жанжалдан бошим қотиб энг яқин дўстимга маслаҳат солдим. У кулиб:

— Икки қўчқорнинг боши бир қозонда қайнамайди. Ёнингда пулинг борида икки хонали уй сотиб олмайсанми, кейин бу ёғига эр-хотин бемалол тинчгина яшайверасизлар. Ойингдан тез-тез хабар олиб турсанг бўлди-да, деди.

Мен ахмоқ унинг гапига лаққа учибман. Онажонимизнинг норозилигига қарамай, янги уй олиб, кўчиб кетдик. Яхши яшадик. Хотиним очилиб-сочилиб кетди. Мендан меҳрини аямади. «Адажониси», деган сўз оғзидан тушмади. Шунда мен: «Қўй уялтирма, ахир боламиз йўқ бўлса, қандай қилиб адажониси бўламан» десам: «Яхши ният ярим мол, ҳаммага берган Худо бизга ҳам бериб қолар фарзандни, адажониси», дейди.

Бу орада дўстим мени тез-тез йўқлайдиган бўлиб қолди. Ҳали у баҳона, ҳали бу баҳона билан кириб келади, соатлаб валақлашиб ўтирамиз, ҳатто баъзан мендан олдин уйга келиб, келишимни кутиб ўтирадиган бўлди.

— Ахир ҳар қандай ҳолатда ҳам ёлғиз аёл бор уйга бегона эркакнинг кириб ўтириши бизнинг удумимизга тўғри келмайди-ку. Наҳот дўстингиз шуни ҳам эътиборга олмаган бўлса?

— У-ку бошқа нарса илинжида экан, лекин мен аҳмоқни айтмайсизми, хаёлимга мутлақо бунақа фикрлар келмабди-я. Ҳаддан ташқари ишониб юборибман унга.

Бир куни тобим бўлмай ишдан эрта қайтдим. Уйга келсам эшик орқасидан қулф. Ўзимдаги калит билан очиб аста ичкари кирдим. Ҳамиша мени йўлакда илтифот билан кутиб оладиган хотиним йўқ. Ётоқхона томондан аллақандай овозлар қулоғимга чалинди. Кирсам...

Қўйнимга илон солиб юрган эканман. Ҳозир орадан бир ҳафта ўтди. Онамникида яшаб юрибман. Бу гапни у кишига айтмадим. Қари одамни ташвишга солиб нима қиламан, дедим. Бошқа баҳоналарни қилиб юрибман. Бу ёғига нима қилишни билмай бошим қотди. Айтинг, қандай йўл тутай?

Нима ҳам дердим. Бу қалби пок йигит ор-номусини йўқотган ўша аёлдан, инсофу садоқатни четлаб ўтиб, одамийлик, дўстликни оёқ ости қилган у хиёнаткор дўстдан тезроқ қутулса шунча яхши. Мен-ку унга шунга ўхшаш гапларни айтдим. Лекин бир одамнинг фикри бошқа, кўпчиликники бошқа. Шундай экан, бунга сиз нима дейсиз, азиз оқшомхон?

Эсон ЗОКИРОВ

БУГУНГИ ШАРОИТДА ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИНИНГ БОЗОР ВА ХАРИДОР БИЛАН ҲИСОБЛАШМАЙ ИЛОЖИ ЙЎҚ. НЕГАКИ ОМБОР УЧУН ИШЛАЙДИГАН ВАҚТЛАР ОРТДА ҚОЛДИ. ШУ БОИС ҲАМ АЙНИ ПАЙТДА БОЗОРНИ ЧУҚУР ЎРГАНИШ, ХАРИДОР ДИД ВА ЭҲТИЁЖИНИ ҲИСОБГА ОЛИШ БУЮРТМАЛАР СОНИ ОРТИШИДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТАДИ. ЭНГ МУҲИМИ ИҚТИСОДИЁТИМИЗ РИВОЖИГА САЛМОҚЛИ ҲИССА ҚЎШИШГА БЕЛ БОҒЛАГАН ТАДБИРКОРЛАРИМИЗ БУНИ ЯХШИ АНГЛАШМОҚДА.

Бозор ва харидор

ЭНГ МУҲИМИ — СИФАТ

Мустақиллик йилларида тадбиркорликка қаратилган катта эътибор, соҳанинг ривожи учун яратилаётган шарт-шароитлар боис ҳам тадбиркорлар сафи кенгайиб бормоқда ҳамда уларнинг иқтисодиёт равнақига қўшаётган ҳиссаси йилдан йилга орт-моқда. Айниқса, бозорларимизда ўз ўрнини топаётган сифатли ва четдан келтириладиган товарлар билан бемалол рақобатлаша оладиган маҳсулотларнинг харидор талабини қондираётгани, "Ўзбекистонда тайёрланган" ёрлиғи билан хорижий давлатлар бозорида ҳам харидоргирлиги қувонарлидир.

Хусусий тадбиркор Муяссар Икромова ҳам кичик цех ташкил этиб, тўқув ва тикув маҳсулотлари ишлаб чиқараётганига кўп вақт бўлмасада, тайёрланаётган эркаклар ва аёллар трикотаж маҳсулотлари, чақалоқлар ва кичкинтойлар учун мўлжалланган кийим-кечаклар харидорларга манзур бўлмоқда. Маҳсулотлар учун хом ашё пахтани қайта ишлаш асосида тайёрланган ип-калавадир. Маҳаллий хом ашёдан замонавий дастгоҳлар — хориждан келтирилган тўқув ва тикув ускуналари қувватидан фойдаланиб яратилаётган маҳсулот турлари ўтган 2 йилда 50 хилдан ортиб кетди.

— Ҳар бир маҳсулот дизайни устида ишлар эканман, — дейди хусусий тадбиркор Муяссар Каримова, — аввало чиройли кўринишига, яъни харидорни қай даражада жалб этишига эътибор қаратаман. Бунинг учун ўзим ҳамкорликда ишлаётган пойтахтимиздаги "Тошкент универмаги", "Болалар дунёси" савдо маркази орқали харидорларнинг фикр-мулоҳазаларини ўрганаман. Шу боис ҳам болаларимиз учун қулай, соғлиғига зарар қилмайдиган, ювганда тез ранги ўчмайдиган, сифатли матолардан либос тайёрлашга интиламан.

Тўғри, бугунги бозор иқтисодиёти шароитида изланган, янгилик яратган ишлаб чиқарувчигина муваффақият қозонади. Муяссар ва унинг шогирдлари ҳам бир зум ўрганишдан чарчашмайди. Улар тайёрлаётган барча маҳсулотлар сертификатланган, талабга тўла жавоб беради. Шу боис бўлса керак, ҳали бирорта харидордан эътироз эшитмади.

Интилганга омад ёр, деган нақл асосида иш юритаётган хусусий тадбиркор Янги — 2006 йилни яхши ниятлар билан бошлади. Насиб этса, у ишлаб чиқариш цехларини янада кенгайтириб, фирма очиш ҳамда маҳсулотларини ҳам фирма дўкони орқали харидорларга тортиқ этиш ниятида меҳнат қилмоқда. У, энг аввало, хотин-қизларни иш билан таъминлаш учун қўшимча ишчи ўринлари яратишни ҳам режалаб қўйган. Асл мақсад эса ички бозордан мустаҳкам ўрин эгаллаш, келгусида эса қўшни давлатларга "Ўзбекистонда тайёрланган" ёрлиқли энг сара кийим-кечакларни экспорт қилиш ҳам эзгу ниятлардан. Нима ҳам дердик, изланиб имкон топаётган тадбиркорга толе ёр бўлишини тилаймиз. Негаки, у фақат ўзини эмас, балки юртини, юртдошларини ҳам бой қилиш ниятида меҳнат қилмоқда.

Дилноза СОДИҚОВА

СУРАТДА: тўқувчи Феруза Шоабдураҳмонова.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.

«Ташаббус» ғолиблари

УНУТИЛМАС ЛАҲЗАЛАР

• Жамшид САЙДАЛИЕВ, миниатюра устаси, «Энг яхши ҳунарманд»:

— Якунланган 2005 йил меҳнат фаолиятимдаги унутилмас лаҳзаларни ёдга олсам арзийди. «Ҳунарлининг қўли гул» нақлига амал қилиб, ота-боболаримиз ҳунарини эгаллаганимдан асло афсусланмайман. Чунки изланишларим ва завқли меҳнатим билан тайёрлаган маҳсулотларим нафақат она юртим Ўзбекистонда, балки хорижий давлатларда ҳам эътирофга сазовор бўлмоқда. Халқаро кўргазмалардаги иштироким эса мамлакатимизни, ҳунар усталарини жаҳонга танитмоқда.

Ҳар йили анъанавий ўтказиб келинаётган «Ташаббус» кўрик-танлови юртимиз тадбиркор ва ҳунармандларини элу-юртга танитар экан, улар орасида 2005 йилда мен ҳам муносиб ўрин эгаллаганимдан бениҳоя мамнунман. Кўрик-танловнинг пойтахт босқичида ғолибликни қўлга киритиб «Энг яхши ҳунарманд» номини олдим. Ушбу рағбат Янги — 2006 йилда ҳам мени янада яхши санъат даражасидаги асарлар яратишга, истеъдодли шогирдлар етиштиришга, аждодларимиз ҳунарини дунёга ёйишга ундайди. Янги йилдан орзуларим жуда катта. Зеро, орзуга меҳнат ва интилиш билан эришилади.

ЭЗГУ НИЯТЛАР БИЛАН

• Ҳасан МАМАСАИДОВ, «Офис-трейдинг» хусусий корхонаси раҳбари, «Энг яхши тадбиркор»:

— 2005 йил барча тадбиркорларимиз учун ниҳоятда қувончли келди, десам асло муболаға бўлмайди. Президентимизнинг бир қатор Фармон ва Қарорлари чиқарилиб, уларда тадбиркорларнинг эркин фаолият кўрсатишлари, ривожланишлари борасида имтиёзлар яратилдики, бундан чексиз миннатдор бўлмоқ лозим. Энди эса ана шулардан оқилона фойдаланиш, иқтисодиёт ривожига салмоқли ҳисса қўшиш ўзимизнинг саъй-ҳаракатимизга ҳам боғлиқ. Негаки ушбу чиқарилган ҳужжатлар биз тадбиркорларга ҳукуматимизнинг, Президентимизнинг катта ишончлари, уни сидқидилдан оқлаш эса бурчимиз ҳисобланади.

Айниқса, тадбиркор ва ҳунармандлар ўртасида анъанавий тарзда ҳар йили ўтказилаётган «Ташаббус» кўрик-танловининг 2005 йилги шаҳар босқичи ғолиби бўлганимиздан беҳад мамнунмиз. Мақсадимиз Янги — 2006 йилда ҳам маҳсулот турларини кўпайтириб, рақобатбардошлигини ошириб, ички бозордаги мавқеимизни янада кўтариш, «Offuse market» маркаси остида тайёрланаётган қоғоз ва канцелярия товарларининг ҳар бир хонадонга кириб боришини таъминлашдир. Биз излаган, интилган тадбиркорга омад ёрлигини ўз тажрибамиздан биламиз, шунинг учун ҳам Янги йилни эзгу ниятлар, ғайрат-шижоат билан бошлаяпмиз.

ТАДБИРКОР АЁЛЛАР БИРЛАШМАСИ

ДАВЛАТИМИЗ РАҲБАРИ ИСЛОМ КАРИМОВ ОЛИЙ МАЖЛИС ПАЛАТАЛАРИНИНГ ҚЎШМА МАЖЛИСИДАГИ МАЪРУЗАСИДА МАМЛАКАТИМИЗДА ШАКЛЛАНАЁТГАН ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИНИНГ АСОСИЙ ИНСТИТУТЛАРИ БЎЛГАН ҲОҚУКУМАТ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ НУФУЗИ ВА ТАЪСИРИНИ ОШИРИШГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЁТГАНИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАГАН ЭДИ.

Зеро, одамлар онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, уларнинг сиёсий ва фуқаролик фаоллигини ошириш, мамлакатимизда рўй бераётган демократик ўзгаришларнинг кўламини янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришда бундай ташкилотларнинг ўрни ва аҳамияти каттадир.

Таъкидлаш жоизки, юртимизда айни вақтда уч мингдан зиёд жамоат бирлашмаси мавжуд. Эркин фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратилгани боис улар жамият ҳаётининг барча жабҳалари ва йўналишларини қамраб олмоқда. Муҳими, мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг самарадорлигини янада ошириш, фуқароларнинг дунёқарашини шакллантириш, қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ишончли муҳофаза қилишда фаол иштирок этяпти.

Ўтган йили фаолият бошлаган «Тошкент шаҳар тадбиркор ва ишбилармон аёллар» жамоат бирлашмаси улардан биридир. Унинг раисаси Насиба МИРОДИЛОВАнинг ЎзА мухбирига маълум қилишича, ташкилотнинг олти юздан зиёд аъзосининг икки юз нафарга якини бевосита мазкур бирлашма кўмагида тадбиркорлик сир-асрорларини ўрганиб, ўтган йилнинг ўзида ўз бизнесини йўлга қўйган аёллардир.

Бирлашма ҳузурида ташкил этилган «Тадбиркорлик асослари» ўқув марказида бизнес-режа ишлаб чиқиш, корхонани давлат рўйхатидан ўтказиш, офис ва ишлаб чиқариш учун жой топиш, кредит олиш каби барча юмушларни амалга ошириш борасида хотин-қизларга зарур ёрдамлар кўрсатяпти.

Якунланган йилда бирлашма кафолати билан «Умид-ҳилол» фирмаси 60 миллион, «Ялпиз» хусусий корхонаси 70 миллион, «Турон-нон» корхонаси эса 20 миллион сўм кредит олиб, ўз фаолиятини янада кенгайтирди. Улар бирлашма ҳузурида ташкил этилган «Сармоя» кредит иттифоқи кўмаги билан аҳолининг озиқ-овқат ва дори-дармонга бўлган эҳтиёжини қондиришга муносиб ҳисса қўшаётир.

Президентимизнинг 2005 йилнинг июнь-октябрь ойларида қабул қилинган тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга қаратилган янги фармон ва қарорлари бирлашма аъзолари томонидан катта қувонч билан кутиб олинди. Бирлашмада тадбиркорлар фаолияти эркинлигини янада кенгайтиришга янги йўллар очган мазкур ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини чуқур ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Адлия, солиқ, божхона каби идоралар мутахассисларини жалб қилган ҳолда 40 дан зиёд ўқув-семинари ташкил этилди. Бунинг самараси ўлароқ, тадбиркор аёллар ўз ҳуқуқларини янада яхшироқ билиб иш юритаётгани муваффақиятлар омили бўлмоқда.

Бирлашма ўз аъзолари фаолиятида ўтказилаётган текширувлардан доимо бохабар бўлиб, уларнинг ҳақ-ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишга ҳаракат қилиб келаётгани боис ноқонуний текширувлар барҳам топяпти. Хусусан, Учтепа туманидаги ўқув марказларидан бири фаолиятини тафтиш этишга киришганлар, бирлашма аралашгач, фирибгарлар экани маълум бўлди.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда тадбиркорликни кенг ривожлантириш, бизнес аҳлининг манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш ва демократик-ҳуқуқий жамият барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар бераётган самаралардандир.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎзА мухбири

САНЪАТ ҲАМИША ИНСОНЛАРНИ ЭНГ ГЎЗАЛ ВА ЁРҚИН ТУЙҒУЛАРГА ОШНО ЭТИБ КЕЛГАН. АЙНИҚСА, МУСИҚА САНЪАТИ ИНСОН-НИНГ ЖИСМУ ЖОНИГА ОРОМ БАҒИШЛАБ УНИНГ РУҲИЯТИГА, ҚАЛБИГА, ЎЙ-ХАЁЛ-ЛАРИГА СОКИНЛИК БАХШИДА ЭТАДИ. МУСИҚА САНЪАТИ ДУНЁ ХАЛҚЛАРИНИ ҲАМИША БИРДАМЛИККА, ТИНЧЛИК ВА ОСОЙИШТА-ЛИККА ЧОРЛАЙДИ.

Санъат

ДЎСТЛИК КУНЛАРИ БЎЛИБ ЎТДИ

Истиқлол шарофати боис ўзбек мусиқасининг, рақс ва қўшиқларининг довруғи оламни тутмоқда. Яқинда Жанубий Кореядан бир қанча мусиқашунослар, бастакорлар, қўшиқ усталари ва профессорлар жамоаси юртимизга ташриф буюрди. Уларни Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раҳбари Рустам Абдуллаев бошчилигидаги бастакорлар кутиб олишди.

Меҳмонлар Ўзбекистон Давлат консерваторияси, Алишер Навоий номидаги Ўзбек Давлат Академик катта театрида бўлиб, мамлакатимиз ва Корея ҳамкорлигида тузилган концерт дастурини томошабинлар ҳукмига ҳавола қилдилар. Шунингдек, шаҳримизнинг энг гўзал жойларини томоша қилиш баробарида кўҳна Самарқанд шаҳрини зиёрат қилдилар.

— Биз, — дейди Корея — Марказий Осиё маданий алоқалар уюшмаси раиси Хан Мёнг Хи, — 1991 йилдан бошлаб ҳар йили корейс концертларини Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Озарбойжон, Грузия каби мамлакатларда уюштириб, корейс мусиқасини тарғиб қилиб келаяпмиз. Юқоридаги мамлакатлар мусиқашуносларини, журналистларини, қўшиқчиларини Сеулга таклиф қилиб "Буюк Ипак йўли" деб номланган концерт дастурини ташкил этганмиз. Истагим, орзуим ҳам битта, у ҳам бўлса Марказий Осиё ва корейс халқларининг бирдамлиги, дўстлиги ҳеч қачон йўқолмасин. Дунёда ҳамиша тинчлик бўлсин, мусиқа санъати эса инсонларни доимо эзгуликка, яхшиликка чорлаб турсин. Ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, самимийлиги, бағрикенглиги билан ҳамиша қалбларимиз фахр-ифтихор туйғуларига тўлиб-тошсин.

Бир ҳафта давом этган ўзбек-корейс дўстлик фестивали кечасида меҳмонлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар. Ўзбекистон ҳақидаги илиқ фикрларини самимийлик билан изҳор этдилар.

— Бу дўстлик алоқалари, — дейди Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси раиси Рустам Абдуллаев, — икки мамлакатнинг ўзаро яқинлигини мустаҳкамлайди. Бир-бирига туташ диллар қардошлик қўшиқларини қуйлайверадилар. Кореялик меҳмонларимизнинг бу safargi ташрифи назаримда жуда мароқли ва кўнгилдагидек ўтди. Мусиқа санъатимиз асрлар оша ўзининг довруғини оламга таратаверсин, икки мамлакат бастакорлари эса ҳамкорликда янги-янги асарлар яратаверишсин.

Гулчехра ДУРДИЕВА

СУРАТДА: Жанубий кореялик санъаткорлар концерт пайтида.

ЎЗБЕКИСТОН — ЭРОН БИЗНЕС ФОРУМИ

ПОЙТАХТИМИЗДА ЎЗБЕКИСТОН ВА ЭРОН ИШБИЛАРМОНЛАРИНИНГ БИЗНЕС-ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ. ЎЗБЕКИСТОН САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ ҲАМДА ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ЮРТИМИЗДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН МАЗКУР ТАДБИРДА ИККИ МАМЛАКАТ САВДО-САНОАТ ВА ИШБИЛАРМОН ДОИРАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Эрон — Ўзбекистоннинг муҳим иқтисодий ҳамкорларидан.

Мамлакатларимиз ўртасида 2004 йилда ўзаро товар айланмаси 372 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса, ўтган йилнинг биринчи ярмида бу кўрсатгич 230 миллион доллардан ошди.

Айни пайтда Ўзбекистонда Эрон сармояси иштирокида ташкил этилган элликка яқин қўшма корхона фаолият юритмоқда. Улар халқ хўжалигининг турли соҳаларига, хусусан, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари, қурилиш материаллари, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Форумда Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, хориж сармоясини кенг жалб этишга катта эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бунда Президент Ислом Каримов имзолаган қатор Фармон ва Қарорлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Эронлик ишбилармонлар юртимизда тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар, хорижлик сармоядорлар учун яратилган қулай шароит ўз самарасини бераётганини қайд этдилар. Буни эронлик ишбилармонларнинг Ўзбекистонга сармоя киритишга оид қизиқишларининг ортиб бораётганидан ҳам кўриш мумкин.

Тадбирда Ўзбекистон ва Эроннинг савдо-иқтисодий, сармоявий ва илмий-техникавий соҳалардаги имкониятлари кўриб чиқилди.

Музокаралар икки мамлакат ишбилармонлари иштирокида ташкил этилган кооперация биржасида давом эттирилди. Унда икки томонлама ҳамкорликни янада фаоллаштириш ва кенгайтириш, биргаликда янги қўшма лойиҳаларни амалга оширишга оид масалалар муҳокама этилди.

Акмал НАЗАРОВ,
ЎзА мухбири

Спортимиз юлдузлари

ЮРТ СОҒИНЧИ ОҲАНРАБОДЕК ТОРТАДИ

ЖАҲОН ШАХМАТИ ЎЗИНИНГ БОЙ ТАРИХИ ВА МАШҲУР ЮЛДУЗЛАРИНИНГ БЕТАКРОР МАҲОРАТИ БИЛАН МОЗИЙ СИЛСИЛАСИНИ БЕЗАБ КЕЛМОҚДА.

Ўзининг беқиёс интеллектуал қобилиятини амалда намоён этган ҳамюртимиз Рустам Қосимжонов ҳам Ливия пойтахти Триполида шахмат тожини қўлга киритиб, жаҳон шахмат майдонида миллатимиз довруғини оламга ёйди.

Биз кўплаб муштарийларимизнинг таклиф ва мулоҳазаларини инобатга олиб, 2004 йилда жаҳон чемпиони бўлган юртдошимиз билан телефон орқали боғланишга мушарраф бўлдик.

— **Рустамжон, аввало сизга барча мухлисларингиз ва шахмат ихлосмандлари саломини етказмоқчимиз...**

—Мухлислар ва юртдошларимдан беҳад миннатдорман. Гарчи ҳозирда Германиянинг Золингем шаҳрида бўлсам-да, қалбан ва руҳан ўзбекистонликлар билан биргаман. Негаки бир-биримиздан қанча узоқда бўлмайлик Ватан, юрт соғинчи бизни худди оҳанрабодек ўзига тортади.

— **Биз барча мухлисларингиз номидан янги 2006 йилда омад ва зафарлар кулиб боқишини тилаймиз.**

— Миннатдорман.

— **Юртдошларимизга, мухлисларингизга Янги йил тилакларингиз.**

— Янги 2006 йил юртдошларимизга беқиёс ютуқлар келтирсин. Юртбошимизнинг 2006 йилни «Ҳомийлар ва шифокорлар» йили деб эълон қилиши барча қатори мени ҳам қувонтирди. Зотан, бир-бирига меҳр-муруввативи аямайдиган элнинг келажаги порлоқ бўлишига ишонаман.

Хидирали ПАНЖИЕВ суҳбатлашди

(Давоми. Боши ўтган сонларда.)

У олмосларнинг баъзиси ажиб бир новвот шаклидаки, кишилар дилини тез таъсирли захардек куйдиради ва ажойиб бир зайтун ёғига ўхшайдики, жон чироғини нурсиз ва хира қилади; уни а р п ага сотадилар, аммо баҳода･у тилладан юз баробар ортиқ; кўринишда ёруғлиги йўғу аммо унинг ички алангаси ёрқин Зуҳра юлдузининг юрагига рашк солади.

Кўк райҳон рангли зумуррадлардирки, уларнинг тамошосидан қаровчи кишиларнинг кўзи ҳайрон ва уларнинг суратидан сабза ўсимликлар кўриш қувватини орттиради, деган сўзлар маъноси кишиларга аёндир. Уларнинг латофати мушоҳадасидан жаҳон улуғларининг таажжуб бармоқлари тишларида; рангларининг софлиги тўрт фаслнинг ҳаммасида ҳам бир хилда, буни кўрган янги сабза ларзага тушиб бетоқатликда.

Дилларга роҳат берувчи у кўкаламзор майдонда ва салтанатпаноҳ даргоҳда оқар сувлар жуда кўп ва йўнилган тошлардан ишланган яхши ариқлар текис ва тўғри. Султон айвонининг ўнг тарафида қирқ сутунлик шаклда жуда ҳайбатли бир девонхона қурилган. Унинг олдига бўйидан баландлик қиладиган, узунлиги ўттиз, эни олти газ келадиган бир дўкон уланган. Бу жой дафтархона бўлиб, котиблар шу ерда ўтирадилар.

Уларнинг ёзиш усуллари икки хил: бири, узунлиги икки газ, эни икки энлик келадиган жавзи ҳиндий[1] баргига ҳеч ранг ишлатмасдан темир қалам билан ўйиб ёзадилар; бундай мактуб бебақо бўлади. Иккинчиси, бир оқ жисмни қорага бўяйдилар; уларнинг бир юмшоқ тошлари бор, уни қаламга ўхшатиб тарошлайдилар ва шу билан ёзадилар, мана шу тошдан бўялган қора жисм юзига оқ ранг ўтади ва узоқ вақт сақланиб туради. Бу дафтар эътиборли бўлади.

Мазкур қирқ сутунли айвоннинг ўртасида Даноянк номли бир хожасарой девонда бир дўкон устида ёлғиз ўзи мустақил ўтиради, дўконнинг этагида эса нўпдор соқчилар саф тортиб турадилар. Кимнингки бирор муҳим иши бўлса, шу чўпдорларнинг орасига кириб, арзимас бир туҳфасини қўядида, таъзим билан юзини ерга суриб, сўнг яна оёққа туради ва арзини сўзлайди. Даноянк ўша мамлакатда адл юзасидан мукаррар қилинган қоидага мувофиқ ҳукм чиқаради. Бошқа бironта кишининг ҳам бу ҳақда сўз айтишга ҳадди йўқ. Даноянк девондан турган вақтда унинг олдида бир нечта чиройли қилиб бўялган соябонларни ушлаб борадилар, нафир[2] чаладилар, ҳар икки тарафдан маддоҳлар дуо ўқийдилар. Токи подшоҳнинг ҳузурига етиб боргунча йўлда еттита дарбон ўтиради. Даноянк у ерга қараб юрганда, ҳар бир эшик олдида биттадан соябон очилиб туради. Шундай қилиб, Даноянк еттинчи эшикка етиб бориб, сўнг ичкарига ёлғиз ўзи кириб боради, муҳим ишлар юзасидан арз қилади ва бир оз вақт ўтгач, қайтиб чиқади.

Подшоҳ даргоҳининг орқасида, ўнг қўл тарафда, Даноянкнинг уй-жойи ўрнашган, подшоҳ даргоҳининг чап қўл тарафи

Абдураззоқ САМАРҚАНДИЙ

«МАТЛАЪ-И САЪДАЙН ВА МАЖМАЪ-И БАҲРАЙН»

АСАРДАН БОБЛАР

эса — зарробхона.

Уларнинг бошқа маъданлар қўшилган тилладан ишланган уч хил пул /танга/лари бўлади; бирини вараха деб атайдилар, бир мисқол оғирлигига яқин, қиймати ўн кабакий динорга тўғри келади. Иккинчисини партоб деб аталади, бу вараханинг ярмига тўғри келади. Учинчисини фанам дейдилар, буниси парто бинг ўндан бирига баробар. Ҳаммасидан кўпроқ тарқалгани фанамдир. Фанамнинг олтидан бир қисмини соф қумушдан ясаб, бунисини тор деб атайдилар. Бу ҳам жуда кўп юритилади. Торнинг учдан бири мис бўлса, уни чатал дейдилар.

Бу мамлакатда қоида шундайки, барча вилоятларнинг ҳокимлари тайинланган бир муддатда зарробхонага зар /пул/ келтирадилар; девондан кимга бўлмасин зар олишга буйруқ ёзиб берилса, зарробхонага ҳавола қилинади. Сипоҳийлар ҳар тўрт ойда маош оладилар. Ҳеч кишига вилоятлардан олиш учун ҳеч нарса ёзиб бермайдилар.

Бу мамлакат, шубҳасиз, шундай маъмур-фаровонки, уни тўла-тўкис баён қилиш гапни жуда узайтириб юборишни талаб қилади. Қисқаси подшоҳнинг хазинаси ҳовуз сингари уйлар бўлиб, уларга эритиб бир яхлит бўлакка айлантирилган олтин солиб тўлатиб қўйилган. Бу мамлакатнинг барча амалдорларидан тортиб, авомлари ва бозордаги ҳунармандларигача қулоқ, бўйин, билак ва бармоқларига жавҳарлар ва қийматбаҳо тошларни тақиб юрадилар.

Девонхонанинг қаршисида филхона қурилган. Гарчи мамлакатда подшоҳга тегишли филлар жуда кўп бўлса ҳам, катта-катта филларни саройда сақлайдилар. Биринчи ва иккинчи ҳисорларнинг орасида, шимол ва ғарбнинг ўртасида махсус фил туғдирадиган жой бўлиб, бу ерда фил болалари бунёдга келадилар. Подшоҳнинг бир оқ фили бор: бағоят катта, баъзи-баъзи жойларида ясмиқ катталигида жигар ранг доғлари бор. Уни ҳар куни эрта билан ройнинг олдига келтирадилар. Рой уни кўришни яхши фол ҳисоблайди.

Саройда сақланадиган филларни кичири бериб боқадилар. Чунончи, кичирини пиширгач, филнинг кўз олдида қозондан олиб туз сепадилар ва эритилган шакар қуйиб аралаштирадилар, сўнг кичиридан икки манга яқин оғирликда думалоқ гўлаклар ясаб ёғга ботириб олиб, филнинг оғзига соладилар. Мабодо шу нарсалардан биронтаси кам бўлиб қолгудек бўлса, фил филбонни ўлдиришга қасд қилади; подшоҳ ҳам уни жазолайди. Филларга ҳар куни шу тарика икки марта овқат берадилар. Ҳар бир филнинг ўзига алоҳида, деворлари маҳкам, тепаси бақувват ёғочлар билан ёпилган хоналар қурилган. Филнинг гардани ва орқасига боғланган занжирларнинг бир учини томнинг тепасига маҳкам қилиб боғлаб қўядилар; агар бошқа жойга боғланса, фил осонлик билан ечиб юборади. Уларнинг оёқларига ҳам занжир соладилар.

Фил тутиш усули мана шундай: филлар сув ичгани борадиган йўлда чуқур чоҳ қазийдилар ва устини хас-чўп билан енгилгина ёпиб қўядилар. Бу жойга фил тушганида, унинг яқинига икки-уч кунгача ҳеч ким келмайди. Шундан кейин бир киши келади-да, қаттиқ таёқ билан уни бир неча марта савалайди. Ногоҳ бошқа бир киши келиб, филнинг кўз олдида ураётган одамни итариб ташлаб, қўлидан таёғини тортиб олиб, улоқтириб юборади ва филга бир оз ўт ташлаб қайтиб кетади. Шу хилда бир неча кун давомида биринчи киши уни савалайди, иккинчиси уни тўхтатади; охири фил иккинчи кишига дўст бўлиб қолади. Сўнг бу одам охиста-охиста филнинг ёнига яқинлашиб, унинг олдига филлар яхши кўрадиган мевалардан келтиради, уқалайди, қашилайди. Шу хил бадантарбия билан фил унга ром бўлади ва бандга бўйин эгади.

Ҳикоят: айтадиларки, бир фил банддан бўшаб сахро ва чангалзорларга қочиб кетган экан, филбонлар унинг кетига тушиб, у ўтадиган йўлга чоҳ қазиганлар, — байт,— худди сайёд тузоғидан қочган кийикдек дили бундай ҳийлалардан чўчиб қолган фил хартумига бир чўпни худди ҳассадек тутиб олиб, ўзидан олдин ерга тираб кўриб, йўл юрган. Филбонлар уни тутишдан ожиз қолганлар. Подшоҳ эса ўша филни тутиб қўлга киритишни истар эди. Шунда бир филбон фил ўтадиган йўл устида ўсган бир дарахтга чиқиб беркиниб олган ва фил ўтаётганида филбон ўзини унинг устига ташлаб, ҳалигача боғланган ҳолида турган, филларнинг кўкрак ва елкасига боғланадиган йўғон арқонга маҳкам ёпишиб олган, фил ҳар қанча ирғишласа, зўрлик қилса ва хартуми билан урса ҳеч фойда бермаган, шунда фил ўзини бир ёнбошига ташлаган, филбон эса эпчиллик билан ўзини иккинчи ёнбошга олган ва шу орада филнинг бошига қаттиқ таёқ билан бир неча марта уришга улгурган, фил бечора енгилиб ювош бўлиб қолган ва танини бандга, гарданини камандга қўйган. Филбон уни ройнинг олдига олиб келган; подшоҳ унга кўп иньомлар берган.

Ҳиндустон подшоҳлари фил овига чиқиб, бир ой ва ундан ҳам кўпроқ муддат сахро ва чангалзорларда юрадилар ва филларни тутиб, бу билан фахрланадилар.

Форсчадан Асомиддин ЎРИНБОЕВ таржимаси

[1] Жавзи ҳиндий – ҳинд ёнғоғи
[2] Нафир - карнай

(Давоми бор.)

КУТУБХОНА ВА ЗАМОН

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИДА ЮРТИМИЗ КУТУБХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА БАҒИШЛАНГАН ИЛМИЙ АНЖУМАН БЎЛИБ ЎТДИ. УНДА ОММАВИЙ, БОЛАЛАР ҲАМДА УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ КУТУБХОНАЛАРИ ХОДИМЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.

Анжуманда сўзга чиққан мазкур кутубхона директори А.Умаров ёш авлоднинг ҳар томонлама комил, иродаси мустаҳкам, иймони бутун бўлиб вояга етиши учун кенг жамоатчилик ўртасида маънавий-маърифий ишларни янада юксак даражага кўтариш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади. Жамиятнинг маънавий қиёфасини белгилаш, ёшларни мустақил фикрли, эркин шахс этиб тарбиялаш кутубхоначилар зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Бу эса кутубхоналар фаолиятини замон талаби даражасида ташкил этиш, уларни зарур адабиётлар, айниқса, миллий истиқлол ғоясини сингдиришга хизмат қилувчи асарлар билан мунтазам равишда таъминлаб боришни тақозо этади.

Шу мақсадда Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида халқимизнинг миллий-маданий, маънавий мероси, бойлиги, қадриятларини кенг тарғиб этиш, республика кутубхона фонди бўйича маълумотларнинг ягона электрон базасини яратиш, халқаро андозалар асосида замонавий методлар ва ахборот технологияларини кутубхоначилик ишларига жорий этиш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилаётир.

Айтиш жоизки, мазкур маърифат масканида 10 миллионга яқин китоб сақланади. Уларни асраб-авайлаш мақсадида ушбу китобларнинг электрон версиялари яратилаётир.

Анжуманда кутубхоначилик фаолиятини автоматлаштириш, электрон каталоглар яратиш, Интернет тармоғини кенгайтириш, кутубхоначиларни қайта тайёрлаш, малакасини ошириш, компьютер саводхонлигини юксалтиришга оид мавзуларда маърузалар тингланди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Диққат, янгилик!

"ЁШ ЭКОЛОГЛАР КЛУБИ" ИШ БОШЛАДИ

«ЭКОСАН» халқаро ташкилоти томонидан ёшлар орасида экологик таълим-тарбияни такомиллаштириш орқали уларнинг экологик онг ва тафаккурини шакллантириш, уларда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва саломатликни сақлаш масалаларининг ечимига ҳамкорликда амалий ёндошиш кўникмасини ҳосил қилиш мақсадида «Ёшлик» Талабалар шаҳарчасида «Ёш экологлар клуби» ташкил қилинди. «Ёш экологлар клуби»га «ЭКОСАН» халқаро ташкилотининг Талабалар шаҳарчасидаги ваколатхонаси мақоми берилди.

Талабалар шаҳарчасида «Ёш экологлар клуби»нинг тақдимотига бағишлаб ўтказилган йиғилишда «ЭКОСАН» халқаро ташкилотининг раиси Ю.Шодиметов иштирок этиб йиғилганларга клубнинг мақсад ва вазифалари ҳақида сўзлаб берди. Клубнинг асосий вазифаси қулай барқарор атроф-муҳит яратишга йўналтирилган экология ва саломатлик кунлари тадбирларига, шунингдек атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, саломатликни сақлаш, соғлом турмуш тарзи масалаларига қаратилган дастур ва лойиҳалар амалиётига талаба-ёшларни кенгроқ жалб қилишдан иборат. Клубга Талабалар шаҳарчаси ҳудудида жойлашган олий ва ўрта махсус ўқув юртлари — жумладан Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент Давлат техника университети, Солиқ лицейи, Глиэр номли мусиқий академик лицейида таҳсил олаётган ташаббускор, аълочи талабалар қабул қилинади.

Йиғилишда «Ёш экологлар клуби»нинг Низоми маъқулланди.

Йиғилиш иштирокчилари томонидан республикамиздаги барча олий ва ўрта махсус ўқув юртларида «Ёш экологлар клуби»ни ташкил қилиш ҳақида таклифлар билдирилди.

Таъкидлаш жоизки, ёшларни ижтимоий-экологик ҳаётга кенгроқ жалб қилиш, атроф-муҳит муҳофазаси ва саломатлик масалаларига бўлган қизиқишларини кучайтириш, экологик билим ва ҳуқуқий экологик саводхонлигини ошириш, маънавиятини бойитиш борасида тарғибот ишларини кучайтириш зарур. Эколог олимлар, тиббиёт ходимлари, Ўзбекистонда аккредитация қилинган дипломатик корпус вакиллари ва халқаро ташкилотларнинг вакиллари ва бошқаларни жалб қилган ҳолда келгусида "Ёш экологлар клуби" томонидан талаба-ёшлар орасида қизиқарли учрашувлар, экофестиваллар, турли мусобақалар, қизиқарли ўйинлар, кўрик-танловлар, экологик ҳашарлар ва бошқалардан иборат тадбирлар амалга оширилади.

Булардан ташқари телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситаларида атроф-муҳит ва саломатлик масалалари бўйича энг яхши илмий мақолалар, рефератлар, маърузалар, фото расмлар ва чизма расмлар соҳибларининг чиқишлари ташкил қилинади. Таниқли эколог-олимлар, фан арбоблари, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар билан экология ва саломатлик мавзуларида қизиқарли учрашувлар ташкил қилинади. Бутунжаҳон Саломатлик кунига бағишлаб ёшлар марафони ўтказилади.

Талабалар шаҳарчасида жойлашган талабалар ётоқхоналари ва уларнинг ҳудудидаги санитар-гигиеник ҳолатни яхшилаш, ёшлар онгига ўз уйини, яъни ётоқхонасини, ҳудудини асраб-авайлаш ғоясини сингдириш орқали Ватанини кўз қорачиғидек асраш туйғусини шакллантириш мақсадида ётоқхоналараро, хоналараро танловлар ташкил қилинади.

Талабалар шаҳарчасида жойлашган барча олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида «Ёш экологлар клуби»нинг секциялари очилади.

(Ўз мухбиримиз)

МАҲАЛЛАДА МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Республика "Маънавият ва маърифат" маркази, республика "Маҳалла" жамғармаси, Шайхонтоҳур туман ҳокимлиги ва Олим Хўжаев маҳалласи ҳамкорлигида ушбу маҳаллада ташкил этилган тадбир "Маҳалла ёшлар билан обод" деб номланди.

Тадбирда сўзга чиққан республика "Маънавият ва маърифат" маркази раҳбари Қуддус Аъзамов, республика "Маҳалла" жамғармаси раисининг ўринбосари Садриддин Ҳасанов ёшлар маънавий-маърифий жиҳатдан камол топиши борасида амалга оширилаётган ишлар ва галдаги вазифалар, маҳалла ҳаётида ёшларнинг ўрнини ошириш хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, маҳалла аҳлини Янги йил байрами билан табриклашди.

Сўнг Қорбобо ва Қорқиз шаҳар "Маҳалла" жамғармаси томонидан ажратилган, Ш.Мансуров, Ҳ.Ҳамидов, Ш.Зияев, М.Обидов, А.Ҳамидов, А.Камолов, А.Аҳмедов каби маҳаллада истиқомат қилувчи саховатли инсонлар саъй-ҳаракатлари билан тайёрланган совғаларни тадбирда иштирок этаётган 250 дан ортиқ кам таъминланган, ёрдамга муҳтож оилалар фарзандларига топширди.

Республика Ўқувчилар саройи, М.Ашрафий номидаги 7-болалар мусиқа мактаби ўқувчиларининг бадиий чиқишлари Янги йил маърифий тадбирига ўзгача файз-тароват бағишлади.

(Ўз мухбиримиз)

СУРАТДА: О.Хўжаев маҳалласида бўлиб ўтган тадбирдан лавҳа.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.

Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

Ҳикоят: Бир табиб бир одамнинг олдига келиб: «Мен сенга учта нарса олиб келдимки, улар сендан ўзга кишига арзимайди» деди. «Улар нималар экан?» — сўради улуғ киши. Табиб баён қилиб деди: «Сочни бўяйдиган рангни, у билан сочингни бир бор бўясанг, умринг охиригача бошқа оқармайди. Иккинчиси, ҳазм дорисини, ундан истеъмол қилсанг, ҳар қандай қўпол ва қаттиқ овқатни ҳам бир онда тилкалаб ташлайди. Учинчиси, шундай бир дорики, ундан истеъмол қилсанг, йигитлик айёминг қайтиб келади ва гўзаллар билан истаганингча айшу ишратда бўлишинг мумкин» Табиб сўзини тугатгач, улуғ киши унга қараб деди: «Сен олиб келган соч бўёғи алдов мояси, мағрурлик нишонаси, қариганда ёшларнинг қилиғини қилиш одамга ярашмайди. Қари кишига оқарган соч ҳам зийнатдир. Мен оқ сочларимни қора зулматга алмашмайман. Айтган ҳазм дорингга келсак, мен кўринган овқатни бўктириб уравермайман, унақа одамлардан эмасман. Менинг шиорим, кам емоқдир. Еганда ҳам сен айтгандек кўр-кўрона кўринган овқатни эмас, ошқозоним ҳазмига ожиз бўлмаганларини ейман, учинчи дорингга келсак, бундай дори ҳою ҳавасга берилган ахмоқ одамларга керак. Ўзининг савобли ишларини ташлаб қўйиб кун бўйи хотинларга хушомад қилиб ўтирадиган киши бахтсиз кишидир.

Абулбарокат ҚОДИРИЙ

Гарчи зоҳирин тўғридиндур нафс,
Жаълинг уйида ўғридиндур нафс.
Нафс тавсанини ром қил ўзингга,
Қодир ул ҳар ва сўз десанг сўзингга.

БОБУР

Кимки ориф эрса ўз нафсига,
Дахрни бир зарра кўзга илмағай.

ТОЛИБИЙ

Тозаликдан қочган киши хасталик домига илинади.
Оғриган кўз кўр бўлиб қолган кўздан яхши.
Дорингга қувониб заҳар ичма.

«ОТАЛАР СЎЗИ».

Нафс ёғисин мағлуб этгил.
Ишларингни борини хўб этгил.

БОБУР

Аждаҳо билан уруш қилган киши полвон эмас,
Паҳлавон улдурки, ғолиб бўлса, ким ўз нафсига.

ПОШШОХЎЖА

Одамлардан бири Низомиддин дейди: «Қуйидаги нарсалар ёқимсиз, ҳунук ва нораводир: ўзгаларни масхаралаш, кўп кулиш, аччиқ нарсаларни кўп ейиш, мевалари пишиб турган дарахт тагига ётиш ёки унинг остига ҳожат ушатиш, соч ёки соқолни бошқа кишилар тароғи билан тараш, қозондан қўл билан овқат ейиш, жамоат олдида тупуриш, сичқон еган нарсани ейиш, бозорда кўпчиликнинг назари тушиб турган ерда овқат ейиш, гўристонда ўтириб овқатланиш, у ерда қаҳ-қаҳ уриб кулиш!»

Абулбаракот ҚОДИРИЙ

Ема зарра ҳаром оғушта нондин,
Бўлур гоҳи нажас бир қатра қондин.

Сўфи ОЛЛОЁР

Дўстим эрталикнинг ғамини ема,
Бу бир нақд нафсни ғанимат билгил.

Паҳлавон МАҲМУД

Тамоққа эҳтиёт бўлинса, умрга фойдалидир,
Овқатни оз ейилса, бу оғизга лаззатлидир.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

Ичимлик ичма, тубанларга аралашмай юр,
Эмин юр, доим эзгу бўласан.
Синалган, танилган кишини маҳкам тут.
Ундан сенга туман минг манфаат тегади.
Ҳар қанақа сўзни ҳам тингла, лекин ишонма.
Кўнглингдагини очма, қаттиқ ва маҳкам тут.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

Масти иқбол ўлма,идбори била оғритма бош,
Тотмағил бу бодани, зинҳор махмур ўлмағил.

ҒОЗИЙ

Ичимлик ичма, зинҳор зинога яқинлашма,
ҳазар қил.
Бу икки нарса гадолик тўнини кийдиради.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

Хамрдин яхши йўқ жаҳонда неъмат,
Бўлмаса гар хумору дардисари.

ГАДОИЙ

Билимли ичимлик ичса, билимсиз бўлади,
Билимсиз маст бўлса, ножўя ишлар қилади.
Ичимлик ичма, ичимлик ичса, кишининг
бахти кетади,
Ичимлик ичса, киши телба, тентак бўлади.
Қайси нарсага меҳнат кўп сарфланса,
Ўша нарса севимли, азиз бўлади.

Юсуф Хоҳ ҲОЖИБ

Тўғраб еган гўшт яхши,
Чанқаб ичган сув яхши.

«Кўрқит ОТА китоби»

Ёш йигитлар кезибон лафкау ҳар растааро,
Кўлида шишаи май, оғзида куфр ила наво.
Ҳар каби ҳанграшибон шаҳрни айлаб ғавғо,
Йўқ алар юзларида ҳеч дами шарму ҳаё.
Бўлубон ҳар каби ўтгай ҳамма хандон халойиқ.

НОДИМ

Ичимлик ичма, эй майпараст, бўғзининг қули,
Май ичсанг, сенга гадолик йўли очилади.
Маст бўлгач, киши телба, тентак бўлади.
Кимнинг ҳиммати бўлмаса, у ўликдир,
Иккала дунёда ҳам у бебаҳра бўлади.
Барча халққа кўнгилдан меҳрибон бўл,
Доим хайрли иш қил, ўзинг эзгулик топ,
Халққа манфаат келтир, зарарли бўлма,
Феълингни яхши тут, ёмонларнинг
касофатини бос.

Юсуф Хос ҲОЖИБ

Маҳмуд ҲАСАНИЙ,
Ҳамиджон ҲОМИДИЙ тайёрлашган

«KONKOR-SERVIS» хусусий корхонаси «KONKOR-SERVIS масъулияти чекланган жамиятига айлантирилмоқда». Шу сабабли «KONKOR-SERVIS» хусусий корхонасига қарашли қарз ва мажбуриятларни тўлалигича қабул қилувчига айланганини эълон қилади.
Манзил: Тошкент шаҳар А.Қодирий кўчаси, 13.

ЭРТАКЛАР БОЛАЖОНЛАР НИГОҲИДА

РЕСПУБЛИКА ДИЗАЙН КОЛЛЕЖИДА ОЧИЛГАН ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИГА АЪЗО МАМЛАКАТЛАР ХАЛҚ ЭРТАКЛАРИ МАВЗУЛАРИДАГИ БОЛАЛАР СУРАТЛАРИНИНГ ХАЛҚАРО КЎРГАЗМАСИ «БОЛАЛАР ЭРТАКЛАРНИ ЧИЗИШГАНДА» ДЕБ НОМЛАНДИ. ТАДБИР ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ КОТИБИЯТИ, ЎЗБЕКИСТОН БАДИИЙ АКАДЕМИЯСИ ҲАМДА «ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САНЪАТИ ФОРУМИ» ЖАМҒАРМАСИ ТОМОНИДАН ТАШКИЛ ЭТИЛДИ.

Мазкур кўргазмани ташкил этиш ғояси туғилишининг тарихи ўзига хосдир. Болажонларга халқ эртаклари қаҳрамонлари ва манзараларини тасвирлаб бериш таклиф қилинган эди. Бундай синовдан кўзланган мақсад сиёсий, иқтисодий, маданий соҳаларда ҳамкорлик қилаётган ШҲТга аъзо мамлакатлар болалари ўртасидаги ҳамкорликни йўлга қўйиш эди. Кўргазманинг «Эртаклар орқали бир-биримизни танийлик», деган шиор ҳам шундан келиб чиқди. Ғоя жуда катта иштиёқ билан қарши олинди: Қозоғистон, Хитой, Россия ва Ўзбекистондан бир неча ўн минглаб расм келиб тушди. Шундан сўнг ШҲТ Котибияти энг яхши расмларни саралаш ва улардан махсус кўргазма ташкил этишга қарор қилди. Унинг илк намойиши 2005 йил май ойида Пекинда бўлиб ўтди.

— Болаларнинг ранг-баранг ижод намуналарида ёш авлод вакиллари турли халқларнинг маданиятини қандай тушуниши яққол намоён бўлиб турибди, — дейди Москвадаги А.Пушкин номидаги тасвирий санъат музейи катта илмий ходими Ирина Захарова. — Бундай мулоқот болалар тафаккурида ҳаётга нисбатан ўз муносабати шаклланишига, бошқа халқларнинг ички дунёси ва маданиятини тушуниб етишга, алал-оқибат, ўз маданияти ҳақида ғамхўрлик қилиши кераклигини тушуниб етишига кўмаклашади. Кўргазма қобилиятли болаларни аниқлашга ёрдам берибгина қолмай, уларнинг мурғак қалбларига эзгулик, дўстлик туйғуларини сингдиришга, халқлар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашга ҳам рағбатлантиради.

Кўргазманинг очилиш маросимида ШҲТ ижрочи котибининг ўринбосари Владимир Захаров расмлар муаллифлари ва уларнинг устозларига фахрий ёрлиқлар топширди.

Тошкентдаги болалар расмлари кўргазмаси ШҲТ ташкил этилганининг беш йиллигига бағишлаб ўтказиладиган тадбирларнинг биринчисидир. Навбатдаги кўргазмани Москвада ташкил этиш режалаштирилмоқда. Июнь ойида эса кўргазма Пекинда, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг навбатдаги саммити давомида ўтказилади.

«Жаҳон» АА

Танловлар

ЁШ МУТАХАССИСЛАР БЕЛЛАШДИ

ЁШЛАРНИНГ БЎШ ВАҚТЛАРИДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИШ, БИЛИМЛАРИНИ ОШИРИШ, ТАФАККУРЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ МАҚСАДИДА ШАҲРИМИЗДА КЎПЛАБ КЎРИК-ТАНЛОВЛАР ЎТКАЗИЛАДИ. КЕЛАЖАК ЁШЛАРНИКИ, ДЕБ БЕЖИЗ АЙТИЛМАЙДИ. ЁШЛАР ОРАСИДА ТАШАББУСКОРЛАРИНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАРНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ЭСА АНЪАНАГА АЙЛАНМОҚДА.

Яқинда мана шундай тадбирлардан бири Шайхонтоҳур туманидаги 324-мактабда бўлиб ўтди. Бу ерда туманлараро ёш мутахассислар ўртасида «Ёш мутахассис» деманг бизни, ҳайратда қолдирамиз сизни!» мавзуида кўрик-танлов ўтказилди. Ушбу тадбир Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ҳамда «Ёш педагоглар ассоциацияси» ҳамкорликларида ташкил этилди. Таъкидлаш жоизки, кўрик-танловнинг якуний — шаҳар босқичи Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш ва моддий рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросини таъминлашнинг илк қадами сифатида ўтказилди.

Кўрик-танловда Юнусобод туманидан «Октава», Яккасарой туманидан «Қувноқ устозлар», Ҳамза туманидан «Универсал», Учтепа туманидан «Зиё чашмалари» деб номланган умумтаълим мактаблари жамоалари қатнашди. Кўрик-танловда «Саломлашиш», «Дарсимизга марҳамат» каби шартларда Юнусобод ва Учтепа тумани вакиллари фаоллик билан қатнашиб, яхши натижаларни қўлга киритишди. Бу шартларда умумтаълим мактабларининг ҳаётидаги ютуқлар ва камчиликлар, қизиқарли воқеалар мисолида ёритиб берилди. Қолган «Гуруҳ сардорлари мусобақаси» ҳамда «Юлдузларни излаймиз» шартларида Яккасарой тумани иштирокчилари муваффақиятли қатнашдилар. Эътиборли томони, мутахассислардан иборат ҳайъат аъзолари кўрик-танловни одиллик билан баҳолаб бордилар. Танлов давомида иштирокчиларнинг ҳар бир чиқишлари муҳимлиги, мусиқийлаштирилганлиги, пухталиги алоҳида эътиборга олинди.

— Бизга ғолибларни аниқлаш осон кечмади. Зеро ҳар бир гуруҳ берилган вазифаларни пухта бажарди, — дейди Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси мутахассиси Нозима Тожибоева. — Кўрик-танловда ўқитувчи ва ўқувчи ўртасидаги ўзаро ҳурмат, ҳамжиҳатлилик хислатлари, билимли ёш мутахассисларнинг интилишлари, ўзаро беллашишлари тадбирнинг янада қизиқарли чиқишида алоҳида аҳамият касб этди.

Танлов сўнгида ғолиблар аниқланиб, унга кўра биринчи ўрин Юнусобод туманининг «Октава» гуруҳига ва иккинчи ўрин Учтепа туманининг «Зиё чашмалари» гуруҳига насиб этди. Ғолиб гуруҳларга эсдалик совғалари тақдим этилди.

Юлдуз УСМОН

СУРАТДА: кўрик-танловдан лавҳа. Алексей Попов олган сурат.

Футбол

МАЪЛУМКИ, КЕЛГУСИ ЙИЛИ ИНДОНЕЗИЯ, ВЬЕТНАМ, ТАИЛАНД ҲАМДА МАЛАЙЗИЯ ДАВЛАТЛАРИДА ФУТБОЛ БЎЙИЧА ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИ МУСОБАҚАЛАРИ БЎЛИБ ЎТАДИ.

РАҚИБЛАРИМИЗ МАЪЛУМ БЎЛДИ

Шу боис ҳам жорий йилнинг февралидан Осиё чемпионатига саралаш мусобақалари бошланади. Куни кеча Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида ана шу нуфузли мусобақанинг саралаш баҳсларига қуръа ташлаш маросими ўтказилди.

Қитъамизнинг кучли терма жамоаларидан бири сифатида эътироф этилаётган Ўзбекистон терма жамоаси қуръа натижаларига кўра «F» гуруҳида Қатар, Гонконг, Бангладеш терма жамоаларига қарши ғолиблик учун кураш олиб боради. Дарвоқе, гуруҳда биринчи, иккинчи ўринларни эгаллаган жамоаларгина Осиё чемпионати финалида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлишади. Дастлабки учрашувда ҳамюртларимиз Бангладеш терма жамоасига қарши «Пахтакор» марказий стадионида майдонга тушишади.

"ПАХТАКОР" — САФАРДА

МУХЛИСЛАРГА МАЪЛУМКИ, ҲАР ЙИЛИ ЯНВАРЬ ОЙИДА РОССИЯ ПОЙТАХТИ МОСКВАДА МДҲ ЧЕМПИОНЛАРИ КУБОГИ МУСОБАҚАЛАРИ УЮШТИРИЛАДИ. ЖОРИЙ ЙИЛГИ ТУРНИРДА ЭСА МАМЛАКАТИМИЗ ШАРАФИНИ ЯНА РАВШАН ҲАЙДАРОВ БОШ МУРАББИЙЛИГИДАГИ «ПАХТАКОР» ЖАМОАСИ ФУТБОЛЧИЛАРИ ҲИМОЯ ҚИЛИШАДИ.

Ушбу нуфузли турнирда муваффақият қозонишни ният қилган пахтакор»чилар ўқув-йиғин машғулотларини хорижда ўтказиш мақсадида Бирлашган Араб Амирликларига жўнаб кетишди. Шуниси эътиборлики, тошкентликлар БААда Россиянинг «Ростов» ва «Москва» жамоалари билан назорат учрашувида ўзаро куч синашишади.

АНЪАНА БУЗИЛМАДИ

ҲАР ЙИЛИ ТОШКЕНТ ШАҲРИ ИККИНЧИ ЛИГАСИДА ҚАТНАШАЁТГАН «СКА СИБАЛ» ЖАМОАСИНИНГ ҚИШКИ ЙИҒИН ДАВРИДА ОЛИЙ ВА БИРИНЧИ ЛИГА ЖАМОАЛАРИ БИЛАН ЎРТОҚЛИК УЧРАШУВИ УЮШТИРИШИ АНЪАНАГА АЙЛАНГАН.

Эътиборли томони «Ска Сибал» жамоаси номдор ва кучли рақиблари билан ўртоқлик баҳсларида тенгма-тенг ва муросасиз баҳс олиб боради. Куни кеча иқтидорли мураббий Станислав Носков етакчилигидаги «Ска Сибал» жамоаси футболчилари олий лига вакили «Локомотив»га қарши майдонга тушишди. Тенг курашлар остида ўтган учрашув 3:3 ҳисобида якунланди. Мухлислару мутахассислар эса «Ска Сибал» мураббийси, 44 ёшли Станислав Носковнинг яшил майдонда намойиш этган чаққон, эпчил ҳаракатларидан ҳайратда қолишди. Гап шундаки, шогирдлари билан ёнма-ён тўп сурган Носковнинг чиройли тўп узатишлари сабаб «Локомотив» дарвозаси икки марта ишғол этилди. Шунингдек, майдонда «Ска Сибал» шарафини ҳимоя қилган Носковнинг 11 ёшли ўғли Ярославнинг катталар билан тенгма-тенг ўйнаб ўз маҳоратини намойиш эта олганлиги барчани қувонтирди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

Турфа олам

ЖЕРРИ СУЮКЛИ БЎЛИБ ҚОЛДИ

Етти ёшли Наташа кўчадан кучукча топиб олди ва уни уйига келтирди. Кучукча онасига ёқмади. Фақат отасининг аралашуви туфайли уни уйда олиб қолишди.

Бир куни Наташа уйда ёлғиз эди. Кутилмаганда дераза дарчасига сигарет қолдиғи келиб тушди. Кимнинг бундай «ҳазиллашганини» ҳеч ким билолмади. Эски, қуруқ газета ловуллаб ёниб кетди, ундан пардага ўт тушди. Кўрқувга тушган қизча хонанинг бурчагига яширинди. Жерри бўлмаганда ким билади, унинг ҳоли нима кечарди?! Кучукча дераза токчасига чиқиб вовиллай бошлади. Унинг ноласи қўшни аёлнинг диққатини тортди. Ёрдамга келган кишилар эшикни бузиб, ёнғинни ўчиришди ва Наташа билан Жеррини қутқаришди. Шундай қилиб, Жерри Усачовлар хонадони учун суюкли бўлиб қолди.

Донецк областида содир бўлган ушбу воқеа тўғрисида Украинанинг «Рабочая газета»си хабар берган.

ҲУШЁР БОЖХОНАЧИЛАР

Оғир оёқли йўловчилардан бири қувайтлик божхоначиларда шубҳа туғдирди.

Жиддий текширувдан сўнг маълум бўлдики, аёл оғир оёқ эмас экан. У қорнига виски солинган 15 та шишани яширган. Қувайтда турли ичимликларнинг нархи жуда баланд, шунинг учун ҳам бу ерда «қурук» қонунга қатъий амал қилинади, деб хабар беради «Нойес Дойчланд» газетаси.

СУВ САТҲИ БЎЙЛАБ ПИЁДА

Қозоғистонлик ихтирочи И.Сафронов сув сатҳи бўйлаб сайр қилишни яхши кўради.

Сайр учун у сув чанғисини танлаган. Унинг чанғилари ўзига хос конструкцияга эга. Уларни эҳтиёжга қараб узайтириш ёки қисқартириш мумкин. Бу шаҳар транспортида қатнаш учун ҳам қулайлик яратади.

Чанғи тезлигини ошириш учун корпусининг таг сатҳида эластик мембраналарни ҳам улаш мумкин. Бу сирпаниш тезлигини оширишга имкон беради.

ҲАЙДОВЧИЛАРГА ЭСДАЛИК

Нью-Йорк яқинидаги Лонг Айленга олиб борувчи шоссенинг бошланишида «Телеграф устунлари автомобилларга ва ҳайдовчиларга ўз-ўзини муҳофаза қилиш тариқасидагина жароҳатлар етказади» деб ёзилган каттагина эълон осиб қўйилган.

Мунажжим башорати

ИЖОДИЙ ПАРВОЗЛАР КУНИ

10 ЯНВАРЬ, СЕШАНБА

МУНАЖЖИМЛАР ТАЪКИДИГА КЎРА, БУГУНГИ КУН ИЖОДКОРЛИК НУҚТАИ НАЗАРИДАН ҒОЯТ УНУМЛИ КУН ЭКАН. ТАШҚИ ҲОЛАТЛАР ҲАР ҚАНАҚАНГИ ИШ УЧУН ҚУЛАЙ БЎЛИБ, МУЛОҚОТЛАР, ФИКРЛАР, АХБОРОТЛАР АЛМАШУВИ МАВЖУД БЎЛИШИНИНГ ЎЗИ МУВАФФАҚИЯТНИ ТАЪМИНЛАЙДИ.

Иш манфаатини кўзлаган ҳолда севгилингиз билан висол онларини кечиктириб турганингиз маъқул. Омадни қўлга киритиш, ўз фаолиятингизни кенгайтириш, қўшимча даромад манбаини топиш, шунчаки ҳаётингизни ранг-баранг қилиш истиқболлари бугун осмонлардаги хом хаёллардан муҳимроқдир.

Ҳар ким бугун ўз имкониятига эга бўлади, ўз омади унга кулиб боқади. Бадиий ижод билан, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш хайрли бўлади. Саунага бориш имкониятидан ҳам воз кечиш керакмас. Болаларга, уларнинг жисмоний, интеллектуал ва руҳий ривожига эътибор қилиш бугун жуда муҳимдир.Меъморий ва маданий ёдгорликлар билан яқиндан танишиш ҳам фойдали.

Лекин бугун йирик харидлардан тийилганингиз маъқул. Шунингдек, кўп чекиш, қандайдир сабаблар билан ҳаво, ер ва сувни ифлослантириш ҳам мумкин эмас. Ўз шухратпарастлигингиз, манманлигингиз, калондимоғлик ва бошқаларни камситиш билан ўзаро муносабатларингизга раҳна солиш эса мутлақо ман этилади.

Мабодо, бугун қайноқ сув устингизга тўкилиб кетса – бу покланиш белгиси. Агар уйда электр лампочкаси куйиб қолса ёки чироқ ўчиб қолса – бу касалликдан ёки мулкдан айрилишингиздан огоҳлантиришдир.

Ўсимликлар билан боғлиқ ҳамма тушлар хайрли, аммо ҳайвонларни кўриш синовлар ва жанжал-можароларга ишора. Кўрқинчли тушлар кўрсангиз, ташвиш қилманг – улар пуч бўлиб, ҳеч қачон ўнгингизда содир бўлмайди.

Иложи бўлса, бугун ҳайвон гўштидан тайёрланган таомлардан ўзингизни тортинг. Кўкат ва сабзавотларга кўпроқ майл қилинг, шарбатлар ичинг. Умуртқа поғонаси, суяк тизими хасталикларини даволашни орқароққа суриб тура туринг.

Кийимлардан оқ, сариқ ва олтинранг туслилари омадли бўлиб, қорамтир, айниқса жигарранг либослардан узоқроқ бўлинг.

БУГУН:

— оила ташвишлари ва жиддий муаммолардан дам олиш;

— вақтингизни кўпроқ болалар, дўстларингиз, тенгдошларингиз билан ўтказиш;

— кундалик ва муҳим бўлмаган ишлар билан эрмак учун шуғулланиш;

— бозорда арзон харидлар қилиш;

— бугунги кун воқеаларини диққат билан кузатиш (эҳтимол ўз тақдирингизни учратарсиз) тавсия этилади.

Янги ишларга қўл уриш, бошлиқлар билан, таниқли кишилар билан учрашиш, жамоат ва сиёсат ишлари билан шуғулланишдан ўзингизни тийинг.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
Буюртма Г-308

Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 5218 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2

Газета Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 6